

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“O‘zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati

акциядорларининг 2025 йил 12 июндаги

04/2025-сонли йиллик умумий йиғилиши

баёни қарори билан

М.Шарипова

2025 йил « 17 » с/о 46

“O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти

ижроия органи - Бошқарув тўғрисида

НИЗОМ

(янги таҳрирда)

ТОШКЕНТ-2025

I. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда - Қонун), бошқа қонун ҳужжатлари ва “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Жамият) Устави асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Жамиятнинг коллегиял ижроия органи - Бошқарувнинг мақоми, ваколат доираси ва фаолиятини ташкил этиш тартибини, Бошқарув ишини, унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш), шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

3. Бошқарув Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади ва Жамиятнинг бошқарув органи ҳисобланади.

4. Бошқарув Жамият Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобдордир.

II. БОШҚАРУВ ВА БОШҚАРУВ РАИСИНИНГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

5. Бошқарувнинг ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

6. Бошқарув Акциядорлар умумий йиғилишининг ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

7. Бошқарув ваколатига қуйидагилар киради:

Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқиладиган масалаларни кўриб чиқиш;

Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

Жамиятнинг аффилланган шахслар билан тузиши кўзда тутилаётган битимларни ўрганиш;

Жамият акциядорларининг арз ва эътирозларини кўриб чиқиш;

Жамиятга суд даъволари тақдим қилиниши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

Жамиятнинг истиқбол ривожланишининг асосий йўналишлари лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

маркетинг тадқиқотларни ўтказиш;

Жамият кундалик фаолиятининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларини кўриб чиқиш.

8. Бошқарув раиси Жамият фаолиятининг барча масалаларини мустақил равишда ҳал қилади, Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган, шунингдек Жамият Бошқаруви қарор қабул қиладиган масалалар бундан мустасно.

9. Бошқарув раисининг ваколатига қуйидагилар киради:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг ижро этилишини ташкил этади;

Жамият Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун Жамият фаолиятига доир масалалар юзасидан ички меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритади;

акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ахборот олиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш, дивидендлар тўлови бўйича барча ҳуқуқларига амал қилинишини таъминлайди;

Жамият мол-мулки ва пул маблағларини қонун ҳужжатларида ва Жамият ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тасарруф қилади;

Жамият номидан шартномалар, контрактлар ва бошқа битимлар тузади;

Жамият номидан ишончномалар беради;

Ўзбекистон Республикаси банкларида ҳисоб рақами ва бошқа ҳисобларни очади;

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилишини ташкил этади;

давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

штатларни тасдиқлайди, уларни малакали кадрлар билан тўлиқлигини таъминлайди,

ходимлар билан меҳнат шартномалари (контрактлар) тузади ва уларни тугатиш (бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилади;

Бошқарув раиси ўринбосари ва Бошқарув аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Жамият фаолиятига оид масалаларни ҳал қилишда уларнинг ваколатларини белгилайди;

Жамиятнинг филиллари ёки ваколатхоналари, шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари раҳбарларини тайинлайди;

Жамиятнинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари бажариши шарт

бўлган буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмаларни чиқаради, шунингдек ўзининг ваколати доирасига кирувчи масалаларга оид йўриқномалар ва бошқа ички ҳужжатларни тасдиқлайди;

Жамиятнинг бўлимлари ва бошқа таркибий бўлинмалари низомларини тасдиқлайди;

Жамият ходимларига нисбатан амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган интизомий жазо чораларини қўллайди;

ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлайди, лавозим иш ҳақлари, уларга устамаларни, турли қўшимча тўловларни белгилайди, Жамият ходимларини рағбатлантиради, моддий ёрдам кўрсатади, шунингдек, Жамият ходимларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида компенсация тўловларини ўрнатади;

ишлаб чиқариш зарурияти ёки Ҳукумат қарорлари ва топшириқларидан келиб чиққан ҳолда баъзи масалалар бўйича ўз ваколатларини маълум муддатга ўрнатилган тартибда Бошқарув раисининг ўринбосарига ёки Бошқарув аъзоларининг бирига ўтказди;

Жамоа музокараларида ва жамоа шартномаларини тузишда Жамият номидан иш кўради, Иш берувчи вакилларининг жамоа музокараларида қатнашишини таъминлайди, Жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажаради;

Жамият ходимларидан ички тартиб қоидалари, Жамиятда амалда бўлган бошқа қоидаларнинг, шунингдек меҳнат шартномаси шартларининг бажарилишини талаб қилади. Жамият ходимлари томонидан меҳнат интизоми бузилган ҳолларда Жамият ходимларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди;

Жамият ходимларнинг хизмат вазифалари белгилаб берилган “Лавозим йўриқномалари”ни тасдиқлайди;

Жамият кундалик фаолиятининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларини ҳал этади.

10. Бошқарув раиси ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгаши олдида Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан ҳисобот беради.

11. Бошқарув раиси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида молия йили яқунларига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот беради.

III. БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

12. Бошқарувнинг сон таркиби Жамият Уставига асосан 5 (беш) кишини ташкил этади.

13. Бошқарувнинг сон таркиби Бошқарув вазифалари бир ходим томонидан имкони борича кўп бажарилиши, бошқарув девонини

қисқартириш, Жамиятни бошқаришда бир-бирини такрорловчи бўғинларнинг тугатилиши ва у билан боғлиқ бошқарув харажатларининг қисқариши принципларидан келиб чиқиб белгиланади.

14. Бошқарув раиси Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан сайланади.

Бошқарув раиси ўринбосари Жамият Кузатув кенгаши томонидан сайланади.

Бошқарув аъзолари Кузатув кенгаши томонидан тайинланади.

15. Бошқарув раиси Бошқарув қошида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ижро этувчи аппарат тузади.

16. Бошқарув таркибига Бошқарув раиси, Бошқарув раисининг ўринбосари, бош ҳисобчи ва асосий таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари кириши мумкин.

17. Бошқарув раиси Жамият фаолиятидаги ўзгаришлар ва ишлаб чиқариш эҳтиёжи муносабати билан Жамият Бошқаруви таркибига қўшимча номзодлар бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

18. Жамият Кузатув кенгаши Бошқарув раиси томонидан тақдимнома асосида тавсия этилган Бошқарув аъзолигига номзодларни кўриб чиқади.

Жамият Бошқаруви аъзолигига номзод Жамиятга ўзининг жиноий жавобгарликка тортилганлиги фактлари тўғрисида маълум қилиши шарт.

19. Жамият Бошқаруви аъзолигига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқиладиганда, Кузатув кенгаши мажлисида иштирок этишлари мумкин.

20. Жамият Бошқаруви аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш Кузатув кенгаши томонидан шахсий тартибда амалга оширилади.

21. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари уч йил муддатга сайланади (тайинланади), уларни сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

22. Сайланаган (тайинланган) Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзоларининг ҳар бири билан Жамият Кузатув кенгаши томонидан ёллаш тўғрисида меҳнат шартномаси тузилади.

23. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари билан меҳнатга ёллаш шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

Шартнома Жамият номидан Жамият Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамият Бошқаруви раиси билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик

бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши зарур.

24. Бошқарув аъзолари лавозим йўриқномасида белгилаб берилган ваколатлар, улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари, Бошқарув қарорлари ва Бошқарув раисининг фармойишлари доирасида иш тутади.

25. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши Бошқарув раиси билан, Кузатув кенгаши Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар Жамият Уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, ёки Жамиятнинг йиллик бизнес-режасининг тасдиқланган кўрсаткичлари бажарилмаса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши Бошқарув раисининг, Кузатув кенгаши Бошқарув аъзосининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Бошқарув раиси ёки Бошқарув аъзосининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишининг ўзида ҳал этилиши ёхуд Жамият Бошқарув раиси ёки Бошқарув аъзоси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда навбатдаги йиғилишда кўриб чиқиб учун қолдириши мумкин.

IV. БОШҚАРУВНИНГ ИШ ТАРТИБИ

26. Жамият Бошқаруви мажлисларини ўтказишни Бошқарув раиси ташкил этади, у Жамият номидан барча ҳужжатларни ҳамда Жамият Бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди, Жамият Бошқаруви ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ Жамият номидан ишончномасиз иш юритади.

27. Бошқарув мажлислари зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта ўтказилади.

Бошқарув мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият Бошқарувига сайланган аъзолар сонининг камида етмиш беш фоизини ташкил этади.

28. Бошқарув томонидан Кузатув кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда Бошқарув мажлисида олдиндан муҳокама этилади.

29. Жамият Бошқарувининг фикр-мулохазалари ҳақида Кузатув кенгашида ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида Бошқарув раиси ёки у томонидан ваколат берилган Бошқарув аъзоси ахборот беради ва ҳимоя қилади.

30. Бошқарув мажлисини Бошқарув раиси ёхуд кўриб чиқиладиган масалалар тегишлилиги бўйича унинг ўринбосари олиб боради.

31. Бошқарув мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Мажлисда ҳозир бўлган Бошқарув аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Бошқарув раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

32. Бошқарув мажлисида баённома юритилади.

Бошқарув мажлисининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган Бошқарув аъзолари рўйхати;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари (мажлисда иштирок этган ҳар бир Бошқарув аъзосининг овоз бериш натижасини кўрсатган ҳолда);

қабул қилинган қарорлар.

33. Бошқарув мажлислари баённомаларидан кўчирмалар:

Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига, уларнинг талабига кўра;

бошқа мансабдор шахслар ва аудиторлик ташкилотига, уларнинг сўровлари бўйича фақат Бошқарув раисининг рухсати билан;

амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларга ва органларга (шу жумладан давлат органларига) берилади.

34. Бошқарув мажлисларининг баённомалари бир нусхада тузилади ва мажлисда ҳозир бўлган барча Бошқарув аъзолари томонидан имзоланади.

35. Бошқарув мажлисларининг баённомалари Жамиятда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда сақланади.

V. БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

36. Бошқарув раиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилиш;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, бошқа ташкилотлар ва органлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалаш;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида лавозимга эга бўлиш;

ҳақ олиш.

Бошқарув раиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам

эга бўлиши мумкин.

37. Бошқарув раиси мажбуриятларига қуйидагилар киради:

ўз мажбуриятларини у билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ тегишли тарзда бажариш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил қилиш ва назорат қилиш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси бажарилишининг бориши тўғрисида Жамият Кузатув кенгаши олдида ҳар чорақда ҳисобот бериш;

Жамиятнинг ҳисобот молия йилидаги фаолият якунлари бўйича Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши олдида йиллик ҳисобот бериш;

акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ахборотларни олиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиш, дивидендлар ҳисоблаш ва тўлаш бўйича барча ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни тегишли тарзда ошкор этилишини назорат қилиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этилишини таъминлаш;

Бошқарув мажлисларини ўтказишни ташкил этиш;

Жамият таркибий тузилмаларининг самарали ҳамкорлик юритишини таъминлаш;

Жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг сақланишини таъминлаш;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик;

Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат муносабатлари

билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилишини таъминлаш;

Жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари, Жамият Устави, ушбу Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Бошқарув раиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

38. Бошқарув раисининг аниқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари у билан тузилган меҳнат шартномасида келишиб олинади.

39. Бошқарув аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Жамият Бошқаруви йиғилишларида шахсан иштирок этиш, мажлисда муҳокама этилаётган ҳар қандай масала муҳокамаси бўйича сўзга чиқиш;

зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун Жамият фаолиятига тааллуқли ҳужжатлардан фойдаланиш имконига эга бўлиш;

Жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Жамият фаолиятининг устивор йўналишларини белгилаш бўйича таклифлар киритиш;

Жамият Уставига ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиш ва Жамиятнинг ички ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиш;

ҳақ олиш;

Бошқарув аъзолари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

40. Бошқарув аъзолари мажбуриятларига қуйидагилар киради:

давлат мулкани бошқариш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ваколатли давлат органларига тегишли маълумотлар киритиб бориш;

ўз мажбуриятларини улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ тегишли тарзда бажариш;

Бошқарув раисига ёки Бошқарув йиғилишларида ўзларига юклатилган топшириқлар ҳолати бўйича ахборотлар бериш;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик;

Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг сақланишини таъминлаш;

Бошқарув аъзолари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

41. Бошқарув аъзоларининг аниқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари улар билан тузилган меҳнат шартномасида келишиб олинади.

42. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари Жамиятнинг аффилланган шахслари ҳисобланади.

Бошқарув аъзоси аффилланган шахс ҳисобланган тақдирда, у Жамият

билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда, ёзма билдириш юбориш орқали Жамиятни хабардор этиши шарт.

43. Бошқарув аъзолари шахсий манфаатлари учун Бошқарувнинг у ёки бу қарорларни қабул қилишига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас.

44. Бошқарув аъзолари Жамиятнинг имкониятлари (мулкӣ ёки номулкий ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамиятнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

VI. БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

45. Бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда Жамият ва унинг акциядорлари манфаатларини кўзлаб иш тутишлари зарур.

46. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

47. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

48. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари Жамият томонидан тузилаётган битимларда аффилланган эканликлари тўғрисидаги ахборотни сир тутганликлари учун жавобгар бўлади.

49. Бошқарув аъзолари уларга хизмат мавқеи билан берилган ҳуқуқлардан ўзлари меҳнат ёки қариндошлик муносабатларида бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадлари ва манфаатлари йўлида фойдаланмасликлари зарур.

50. Бошқарув аъзолари Жамият мол-мулкни тасарруф қилишдан шахсий фойда кўриш бўйича ҳаракатларга йўл қўймаслиги зарур.

51. Бошқарув аъзолари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги натижасида Жамиятга етказилган зарар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият олдида жавобгар бўлади.

VII. БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ВА ЙИЛЛИК МУКОФОТ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

52. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзоларига улар ўз вазифаларини

бажариб турган давр учун Жамият фаолиятининг йил якуни бўйича “Бизнес режа”да белгиланганидан ортиқча соф фойда олинishiга эришилган тақдирда, акциядорлар йиллик умумий йиғилишининг қарори асосида йил якуни бўйича бир марта йиллик мукофот тўланади.

Мукофот пуллари суммаси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарори билан соф фойдани тақсимлаш масаласини кўриб чиқишда тасдиқланади.

53. Шунингдек, Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI) бажарилишидан келиб чиқиб, молиявий йил натижаларига кўра Кузатув кенгашининг қарори билан бошқарув аъзоларига ойлик иш ҳаққининг 2 бараварига тенг миқдорда қўшимча мукофотланиши мумкин.

Мазкур Низомнинг 40-бандига мувофиқ белгиланган мажбуриятлар Бошқарув аъзolari томонидан ўз вақтида бажарилмаган ҳолларда уларга йиллик мукофотлар тўланмайди.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

54. Ушбу Низом Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

55. Ушбу Низомга амалдаги қонун ҳужжатлари ўзгартирилганлиги ва Жамият Уставига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

56. Ушбу Низомга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.